

ҚОРИН БҮШЛИГИ АЪЗОЛАРИ ЁПИҚ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРИДА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШДАГИ НУҚСОНЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

Индиаминов С.И., Мустафақулов И.Б., Болтаев Н.А.,

Самарқанд давлат тиббиёт институти,
РСТЭИАМ Навоий филиали, Ўзбекистон, Самарканд ш.

✓ Резюме

Мақолада ички аъзолар ёпиқ қўшма жароҳатларида йўл қўйиладиган диагностик ва даволаш нуқсонлари хусусиятлари ўрганилган. Ҳолатга доир комиссиян экспертизалар натижалари ва маҳсус адабиётлар маълумотлари асосида госпитал олди ва госпитал даврларда йўл қўйилаётган диагностик нуқсонлар асосан субъектив, яъни тиббий ходимлар касбий фаолиятига боғлиқ сабаблар, айrim ҳолларда эса объектив факторлар - клиник манзаранинг атипик кечиши, беморлар ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Йўл қўйилган нуқсонлар билан беморлар ўлми ёки соғлиғига етказилган зарар ўртасида билвосита, жароҳатланишларнинг эса - бевосита сабаб-оқибат боғлиқлиги таъкидланган. Келтирилган маълумотлар клиник амалиётда тиббий ёрдам сифатини ва самарадорлигини ошириша иноватга олиниши мумкин.

Калим сўзлар: қўшма жароҳатланиш, ички аъзолар, жароҳатлар, нуқсонлар, оқибатлар.

ХАРАКТЕР ДЕФЕКТОВ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ ПРИ ЗАКРЫТОЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЕ ОРГАНОВ ЖИВОТА

Индиаминов С.И., Мустафақулов И.Б., Болтаев Н.А.,

Самаркандский государственный медицинский институт,
Навоийский филиал Республиканского центра экстренной медицинской помощи.

✓ Резюме

В статье изучены дефекты оказания медицинской помощи, допускаемые в процессе диагностики и лечения закрытой сочетанной травмы внутренних органов. По результатам комиссионных судебно-медицинских экспертиз и на основании анализа специальной литературы показано, что на догоспитальном и госпитальном этапах часто допускаются диагностические дефекты, которые в основном обусловлены субъективными факторами, связанными с профессиональной деятельностью медицинских работников, и в ряде случаев - с объективными факторами, например, атипичной картиной клинических проявлений, либо неадекватностью пострадавших (больных). Подчеркивается, что при наступлении летальных исходов, либо причинения вреда здоровью дефекты медицинской помощи имели непрямую причинную связь, а травма внутренних органов, имея прямую причиненную связь, явилась непосредственной причиной смерти. Приведенные данные могут быть учтены в клинической практике для повышения качества и эффективности медицинской помощи при сочетанной травме.

Ключевые слова: сочетанная травма, внутренние органы, повреждения, дефекты, исходы.

THE NATURE OF DEFECTS IN MEDICAL CARE FOR CLOSED COMBINED INJURI OF THE ABDOMINAL ORGANS

Indiaminov S.I., Mustafakulov I.B., Boltaev N.A.,

Samarkand State Medical Institute, 140100 Uzbekistan Samarkand Amir Timur str 18 <https://sammi.uz/ru>
Navoi Branch of The Republican Scientific Center of Emergency Medicine - city Navoi <https://www.goldenpages.uz/en/company>.

✓ Resume

The article examines the defects of medical care allowed in the process of diagnosis and treatment of closed combined trauma of internal organs. According to the results of Commission forensic examinations and based on the analysis of special literature, it is shown that at the pre-hospital and hospital stages, diagnostic defects are often allowed, which are mainly due to subjective factors associated with the professional activities of medical workers, and in some cases - with objective factors, such as an atypical picture of clinical manifestations, or the inadequacy of victims (patients). It is emphasized that at the onset of fatal outcomes, or causing harm to health, defects in medical care had an indirect causal relationship, and trauma to internal organs having a direct causal relationship was the direct cause of death. These data can be taken into account in clinical practice to improve the quality and effectiveness of medical care for combined trauma.

Keyword: combined trauma, internal organs, injuries, defects, outcomes.

Долзарблиги

Қўшма жароҳатланишлар (ҚЖ) муаммоси бутун дунё жамоатчилиги томонидан ўта муҳим тиббий-ижтимоий муаммо сифатида эътироф қилинган. Ҳозирги замон ҚЖ лари кенг тарқалганилиги, ногиронлик ва

ўлим ҳолатларининг, асосан меҳнатга лаёқатли ёщдаги (18-49 ёш) иноснларда, юқорилиги ва шошилинч ихтинослашган ҳамда реабилитация тиббий ёрдамларининг ўта серхаражатлиги билан таърифланади |Соколов В.Р., 2006; Максимов А.В., 2013; Левченко Т.В. и соавт, 2014; Дюсупов А.А. и соавт, 2018; Trunkey D.D.,



Mabry C.D., 2003; Pucher et.al., 2013; и др.]. Адабиёт маълумотларига кўра, ҚЖлардан ўлим 18,8-36,0% ни ташкил этади, шундан 50-60% ҳолатларида ўлим госпитализация олди даврида қайд қилинади [C. von R?den, A. Woltmann, M. R?se et al., 2013; R. Pfeifer, M. Teuben, H. Andruszkow et al, 2016; J. Sim, J. Lee, J.C. Lee et al, 2015].

ҚЖлар таркибидаги қорин бўшлиги аъзолари ёпиқ жароҳатланишлари 36,5% гачани ташкил этади ва бу кўрсатгич тобора ўсиб бормоқда [Хабутия М.Ш. ва ҳаммуаллифлар, 2011]. Қатор тадқиқотчилар маълумотларидаги қорин бўшлиги аъзолари жароҳатланишларинг оғир асоратлари ва летал оқибатлари юқор даражада эканлиги таъкидланниб, бу ҳолатлар 25% дан 65% гачани ташкил этиши қайд қилинган [Абакумов М.М. ва ҳаммуаллифлар, 2005; Черкасов М.Ф. ва ҳаммуаллифлар, 2005]. Қорин бўшлиги аъзолари ёпиқ жароҳатлари оқибатидаги ички қон кетиш ўта ҳавфли ҳисобланади ва бундай ҳолларда ўлим 34-35% ни ташкил этади [Борисов А.Е. ва ҳаммуаллифлар, 2007; Урман М.Г., Суббатин А.В., 2009; Базаев А.В. ва ҳаммуаллифлар, 2015]. Қайд этилган маълумотлар ҳам кетиш билан асоратланадиган ички аъзолар жароҳатларида оператив даво шошилинч тарзда ўтказилишини тақозо этади. Оператив давонинг 6 соат ва ундан кўп вақтга кечирилиши ёки аъзолар жароҳатланишнинг шу вақт давомида аниқланмай қолиши беморлар ўлимiga сабаб бўлиши мумкин [Ермолаева Н.К. ва ҳаммуаллифлар, 2013]. Шунга кўра, ҚЖлар оқибатидаги ўлим ҳолатларида ўлимнинг бевосита сабабларини таҳлил қилиш ҚЖлар таркиби, хусусиятлари ва госпитал олди ҳамда госпитал даврлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва нуқсонлари юзасидан аниқ маълумот олиш имконини яратади.

Тадқиқот мақсади: Қорин бўшлиги аъзолари ёпиқ кўшма жароҳатланишлари диагностикаси ва даволанишидаги тиббий ёрдам нуқсонлари хусусиятларини ўрганиш.

Материал ва услублар

Муаммога доир илмий адабиётлар ўрганилди. Шуннингдек, 2019-2020 йилларда ҚЖлар ва бошқа ҳолатларга доир Самарқанд вилоятида ўтказилган комиссиян суд-тиббий экспертизалар маълумотлари, уларнинг тафсилотлари, беморлар (мурдалар) текширувига оид бирламчи экспертиза хulosалари, тиббий ҳужжатлар, ҳолат юзасидаан дастлабки суриштирувергов ишлари материаллари, қўшимча-лабораторик текширув натижалари ҳамда тегишли соҳа малакали врач мутахассислар хulosалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокама

2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган вақт мобайнида турли соҳа тиббий ходимлари касб хукуқбузарлиги ва тиббий ёрдам нуқсонлари (ТЁН) га доир 44 та ҳолатда комиссиян экспертизалар бажарилган, шундан 27 ҳолатда турли кўринишдаги ТЁНларга ўйл кўйилганлиги аниқланди. Улардан энг кўпи хирург, нейрохирург, травматолог ва акушер-гинеколог врачлар фаолиятига, қолганлари - реаниматолог, педиатр, терапевт, врачлар ва ўрта тиббий ходимлар фаолиятига тегишли ҳолатларни ташкил этади. Қайд этилган 27 ҳолатдан, 18 тасида ўйл кўйилган ТЁН оқибатида бе-

морлар ўлимiga олиб келган, қолган 9 та ҳолатда эса содир этилган ТЁН натижасида беморлар соғлиғига турили даражадаги зарап етказилган. Хирург, нейрохирург, травматолог врачлар фаолиятига тегишли комиссиян экспертизалар ҚЖ лар диагностикаси ва даволаниши билан боғлиқ ТЁНларга тегишли ҳолатлар ҳисобланади. Қайд этилган ҳолатларнинг аксарият қисмида тиббий ходимларнинг касбий вазифаси, бурча ва мажбуриятларига бевосита боғлиқ бўлган субъектив сабаблар натижасида ТЁН йўл кўйилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҚЖлар оқибатидаги ўлим ҳолатларида ТЁН мавжудлиги юзасидан ҳар доим атрофлича таҳлил ўтказилиши лозим. Негаки, ҚЖларда ТЁН хусусиятлари жароҳатланишлар оғир бўлган ҳолатларда эътиборни жалб қиласлиги, яъни аниқланмасдан қолиши мумкин. Амалий кузатувлар натижалари ҚЖларнинг госпитал олди ва госпитал даврларда энг кўп ҳолларда диагностик нуқсонларга ўйл кўйилиши, яъни жароҳатланиш ва унинг ҳаёт учун ҳавфли асоратларининг умуман аниқланмай қолиши ёки кечикиб аниқланishi ва бунинг натижасида ўз вақтида зарурӣ даво муолажалар ўтказилмай қолаётганлигини кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда бундай ҳолат жабрланган шахслар (беморлар) нинг ножӯя ҳатти - ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу борада амалиётда кузатилган қўйидаги мисолларни келтириб ўтиш ўринли ҳисобланади:

1. Бемор У.Х., 25 ёш, 28 июнь куни соат 22:00 лар атрофида жанжал натижасида тан жароҳати олган. 29 июнь куни соат 12:50 лар атрофида туман тиббиёт бирлашмаси қабул бўлимига мурожаат қилган. Бўлимда қон ва сийдикнинг умумий таҳлиллари, қон умумий биохимияси, ультратовуш ҳамда ЭКГ текширувлари ўтказилиб, травматолог ва хирург врачлари томонидан кўрилиб, "Қорин бўшлиги аъзоларининг ёпиқ шикастланиши? Ўнг ўз юқори ковок, иккала елка бўгими, чап билак ва бел соҳалари юмшоқ тўқималари лати" ташхиси ўтказилиб, шошилинч тез ёрдам бўлимига ётқизилган. Шу куни соат 13:10 да врачлар консилиуми ўтказилиб, қорин бўшлиги аъзоларининг жароҳатларини аниқлаш мақсадида диагностик лапароторомия операцияси тавсия этилган. Бемор таклиф этилган тиббий муолажалардан қаътияян бош тортган, лекин бу ҳақида ёзма тилҳат ҳам ёзмаган. Муолажадан бош тортиш тўғрисидаги бланкага имзо чекмаганлиги сабабли, тиббий ходимлари ўртасида далолатнома тузилган, бу ҳақида туман тиббиёт бирлашмаси маъмуритига хабар берилган ва bemorga консерватив даво муолажалари тавсия этилган. 30 июнь ва 01 юиль кунлари врачлар томонидан bemor бир неча маратоба тиббий кўриклан ўтказилган ва оператив даволаш тавсияси берилган, лекин bemor таклиф этилган операциядан қаътияян бош тортган. 29 июнь куни соат 20:00 да шифохона ички тартиб қоидаларини бузиб, ётган палатасидан чиқиб кетган ва 30 июнь куни соат 10:00 лар атрофида шифохонага қайтиб келган, умумий аҳволи динамикада оғирлашиб борган, консерватив даво муолажалар давом эттирилган. 01 юиль куни соат 07-30 лар атрофида bemor У.Х. шифохона ички тартибини тақроран қўпол равишда бузиб, даволанишдан бош тортшиб шифохонадан чиқиб кетган, бу ҳақида навбатчи врач томонидан тегишлича далолатнома тузилган. 2017 йил 01 юиль куни соат 10:30да марҳум У.Х. мурдаси туман тиббиёт бирлашмаси худуди-

дан топилган. Мурда суд-тиббий текширувидан ўтказилган бўлиб, ўлим сабаби организмнинг умумий интоксикацияси билан кечган, ингичка ичакнинг гантренаси ва серозли геморрагик қорин пардани яллигланиши билан асоратланган ингичка ичакнинг травматик ёрилиши кўринишида ифодаланган қориннинг ёпиқ шикастидан келиб чиқсанлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган "Фуқаролар Соғлигини сақлаш тўғрисида" ги қонуннинг 24-моддасида (беморнинг ҳукуқлари) бемор тиббий аралашувига ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиши, 26-моддасида (тиббий аралашувига розилик бериш) фуқаронинг ўз касалига доир маълумотларини билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши, тиббий аралашуви зарурий шартидир, фуқаронинг ахволи ўз хохиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашуви эса кечикириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашуви амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қилиши, башарти консилиум йигилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасининг мансабдор шахсларини хабардор қилиш шарти билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал қилиши, 27-моддасида (тиббий аралашуви рад этиши) фуқаро ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашуви рад этиш ёки уни тўхтатишни талаб қилиш ҳукуқига эгалиги, бундай ҳолларда шифокор ёзма тасдиқнома олишга, агарда тасдиқнома олишнинг иложи бўлмаса тиббий аралашуви рад этишини гувоҳлар иштирокида тегишли далолатнома билан гувоҳлантириб олишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, мазкур ҳолатда bemor У.Х. туман тиббиёт бирлашмасида лозим бўлган текширувлардан ўтказилиб, унга асосли ташхис қўйилиб ётказилган. Беморга оператив даво муолажалари ўтказилиши тавсияси берилган лекин, bemor жарроҳлик амалиётидан бош тортганлиги сабабли консерватив даво муолажалари олиб борилган. Оқибатда bemor жароҳатдан кейинги асоратларнинг ривожланишидан вафот этган. Агарда bemor ўз вақтида жарроҳлик амалиётига розилик берганда, унга нисбатан жарроҳлик амалиёти малакали равишда бажарилганида унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имконияти мавжуд бўлар эди.

2. Фуқаро А.М., 28 ёш, 15 октябрь куни таҳминан соат 17:30 лар атрофида жанжал туфайли тан жароҳати олган, шу куни А.М. соат 21:50 лар атрофида туман тиббиёт бирлашмаси қабул бўлимига мурожаат қилган. Навбатчи жарроҳ ва навбатчи терапевт bemornи тиббий кўриқдан ўтказиб, "Ўтқир қорин, ошқозон 12 бармоқ ичак яра касаллиги, яранинг тешилиши асорати билан. Перитонит?" ташхисини қўйиб bemorga баральгин-5,0 вена ичига юборилган, оқибатда бу оғриқ-сизлантирувчи дори воситаси таъсирида bemorda клиник белгилар тўлиқ намоён бўлмаган. Bemor шошилинч тез ёрдам илмий маркази вилоят филиалига оператив даволаниш учун юборилган. Марказда 16 октябрь куни соат 09:50 да зарурий текширувлар ва мутахассислар консультациялари ўтказилиб, "Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги, асорати перфорацияси. Перитонит" ташхиси қўйилган. Bemordan қорин пардани яллигланиш белгилари ва ультратовуш текшируvida қорин бўшлиғида суюқлик борлиги сабабли, кўрсатма асосида операция қилиш тавсия қилинган, лекин bemor операцияга ўз вақтида розилик бермаган, бу ҳақида далолатнома тузилган. Шунга кўра,

16 октябрь куни соат 14:40 лар атрофида "Лапаротомия. Қорин орти соҳасини очиш. 12 бармоқли ичак жароҳатини тикиш, оддинги гастроэнтероанастомоз шакллантириш, Браун дарчаси билан қорин бўшлиғи ва қорин парда орти соҳасини дренажлаш" операцияси кечикириб ўтказилган. 28-октябрь куни "Релапаротомия олдинги гастроэнтероанастомоз чоклар етишмовчилигини бартараф қилиш қорин бўшлиғини санацияси ва режалаштирилган релапаротомия мақсадида терига бирламчи кечикирилган чоклар шакллантириш" операцияси, 31-октябрь куни эса "Релапаротомия. Қорин бўшлиғини санацияси ва режалаштирилган релапаротомия мақсадида терига иккиласми кечикирилган чоклар шакллантириш" операцияси ҳамда 3-ноябрь куни "Релапаротомия озиқлантирувчи ковузлоқли энтеростома Браун дарчаси билан шакллантириш. Қорин бўшлиғи санацияси ва найлаш" операциялари ўтказилган. Ўтказилган оператив ва интенсив реанимацион чора тадбирларга қарамасдан bemorda 4- ноябрь куни соат 06:30 да bemorda биологик ўлим қайд этилган. Марҳум мурдаси туман суд-тиббий экспертиза текшируvdan ўтказилганда унинг ўлимига "12 бармоқли ичакни ёрилиши куринишидаги қорин бўшлиғи аъзоларини ёпиқ жароҳати бўлганлиги ва бунинг оқибатида қорин парда варакларини фибриноз йирингли яллигланиши билан асоратлашган организмнинг умумий интоксикацияси" сабаб бўлганлиги аниқланган.

Кўриниб турибиди, 15 октябрь соат 21:50 лар атрофида bemor A.M. туман тиббиёт бирлашмаси қабул бўлимига мурожаат қилган вақтида врачлар томонидан амалдаги даволаш-стандартлари талаблари бажарилмаган, жумладан: bemorga зарурий-клиник лаборатор текшируvlariдан қорин бўшлиғи ультратовуш текшируvi, қон ва сийдик умумий таҳлиллари ҳамда қон ивиш вақти таҳлили, қорин бўшлиғи рентгенографияси, рентгеноскопияси, диагностик лапаросинтез, лапороскопия қилинмаган. Шу сабабларга кўра ўз вақтида зарурий тиббий ёрдам ташкиллаштирилмаган (санитар авиация хизмати бўйича стук малакали мутахассислар чакирилмаган ёки шифохона мансабдор шахсларига хабар берилмаган) ҳамда тўлиқ текширувлар ўтказилмаганлиги сабабли амбулатор картада жароҳатлар ёритилмасдан қолган, оқибатда bemorga ташхис тўғри қўйилмаган (bemor шифохонага ётказилиб, кузатув остига олиниб, текшируvlardan тўлиқ ўтказилиши ва даволаниши лозим бўлсада) ва асоссиз равишида ёзма тилҳат олинмасдан ёки тегишли далолатнома тузилмасдан уйига жавоб бериб юборилган. 16-октябрь куни соат 09:50 лар атрофида bemor A.M. шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига қариндошлари томонидан оғир аҳволда олиб келинган, тиббий муассасада bemorga амалдаги даволаш-стандартларига мос равишида зарурий текшируvlardan ўтказилиб, тўғри ташхис қўйишиб, даво муолажалари етарли ҳажмда олиб борилган. Агарда bemor A.M. туман тиббиёт бирлашмасида ўз вақтида амалдаги даволаш-стандартларига мувофиқ тўлиқ ва малакали клиник-лаборатор ҳамда зарурий бошка текшиruvlarдан ўтказилиб, ташхис ўз вақтида тўғри қўйишиб, зарурий тиббий ёрдам ўз вақтида ва малакали кўрсатилганида bemor ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлар эди. Ушбу ҳолатда bemorga тиббий ёрдам кўрсатишдаги йўл қўйилган нуқсонлар билан bemornинг ўлими сабаблари ўтасида бевосита сабаб-оқибат боғлиқлик мавжуд.



ҚЖларда қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ жароҳатлари қўйидаги кўринишларда намоён бўлади: аъзолар лат сейиши (одатда капсула остига ёки паренхимага қон қўйилиши кўринишида), аъзо паренхимаси ёрилиши ва эзилиши ҳамда айрим ҳолларда аъзо узилиши ва уларнинг барчаси ички қон кетиши билан асоратланиди. Бундай жароҳатлар юзага келишининг асосий сабаблари - йўл-транспорт травматизми, баландликдан йиқилиш ва кам ҳолларда - криминал ҳолатлар ҳисобланади [Пиголкин Ю.И., Попов В.Л., 2011]. Қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ жароҳатланишини ўз вақтида аниқлашнинг энг қулай ва техник жиҳатдан осон бажариладиган усули лапароцентиз бўлиб, унинг диагностик самарадорлиги 73% дан 98% гачани ташкил этади [Тулупов, 2015]. Қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ ҚЖ ларидаги қорин бўшлиғига қон оқиши мавжудлиги шошилинч оператив даво учун абсолют кўрсатма ҳисобланади. Бунда, қон қўйилиши миқдори прогностик кўрсатгичда асос бўлиши мумкин: 2 л.гача - прогноз ижобий, 2-3 л. летал ҳолат 50-60% гача ва 3-4 л. -100% гача летал ҳолат кузатилади [Черкасов М.Ф. ва ҳамуаллифлар, 2005].

ТЁН ва унинг оқибатида беморларда кузатиладиган ноҳуш салбий оқибатларига сабаб бўлувчи омиллар суд тиббиёти соҳаси етакчи мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилган ва тизимлаштирилган [В.В. Томилин, Ю.И. Соседко, 2000]. ТЁН сабабларини шартли равишда субъектив ва объектив сабабларга бўлиш мумкин: Субъектив сабаблар -тиббий ходимнинг бевосита касбий ва лавозимли фаолияти билан боғлиқ нотўғри ёки нотўлиқ ҳаракати (ҳаракатсизлиги), жумладан беморга нисбатан лоқайд муносабатда бўлиш; малакаси, тажрибасининг етишмовчилиги ва бошқ.; объектив сабаблар - тиббий ходим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар - беморнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат этиш, патологик ҳолатнинг атипик кечиши етарлича шарт-шароит йўқлигига доир объектив омиллар ҳисобланади.

Беморга нисбатан эътиборсизлик (лоқайдлик) фақатгина объектив сабабларининг йўқлиги ҳолатида ТЁН сабаби бўлиб ҳисобланishi мумкин. Диагностика ва даволашнинг мавжуд бўлган имқониятларидан фойдаланмасдан туриб, bemor анамнезини тўлиқ ўрганилмаслик ёки юзаки кўрик ўтказиш бу эътиборсизлик мезонидир. Беморга нисбатан эътиборсизлик бўлиш, фақат бу ҳолат тиббий ходимлар (врач, фельдшер, ҳамшира) томонидан содир этилган бўлса, мустақил омил сифатида кўриб чиқилади ва бу ҳолатда мутахассиснинг касбий малакаси, қобиляти эътиборга олинмайди [Гиёсов З.А. ва бошқ., 2019; Новоселев В.П., Канунникова Л.В., 2005; Пиголкин Ю.И. ва бошқ., 2011].

Бу борада қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатланишларида йўл қўйилган ТЁНлар билан боғлиқ қўйидаги ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Бемор X.Ш., 27 ёш, 19.04. куни автохалокат тифайли жароҳат олган ва дастлаб туман тиббиёт бирлашмасига олиб келиб "Ёпиқ калла мия жароҳати. Бош мия чайқалиши. Бошнинг тепа пешона, орбитал, бурун усти соҳалари сидирилган жароҳати. Чап ияк ости соҳаси урилиб йиртилган жароҳати. Ўнг елка суюгини юқори учлиги ёпиқ парчаланиб синиб силжиши. Асорати: травматик шок 2-3 даражаси. Мастилик ҳолати" ташхиси билан 1 кун даволанган. 20.04. куни bemor қариндошлари хохиши билан ортопедия ва шикатла-

нишлар оқибатлари шифохонасига ўтказилган ҳамда 20 апрелдан 29 апрелга қадар "Политравма. Ўнг елка суюгини юқори учлигидан ёпиқ парчаланиб синиши. Ўнг кичик болдир суюгини юқори учлигидан синиб силжиши. Ўнг елка бўғими соҳаси тери ости гематомаси. Танасидаги шилинган жароҳатлари" ташхиси билан даволанган ва оператив давога тайёрланган. Даволаш жараёнида 29.04. куни bemорда ўн икки бармоқ ичак ярасидан қон кетиш кузатилган. Шу куни bemор шошилинч тиббий ёрдам илмий макрази филиалига кўчирилган ҳамда марказда даволанишни давом этирган. Марказда кўрсатилган даво чораларига қарамасдан 30 апрель куни соат 14:15 да вафот этган. Марҳум мурдасини суд тиббий текширувида унинг ўлими жароҳатдан сўнг ривожланган ва ички қон кетиш билан кечган ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигидан келиб чиққанлиги аниқланган. Махсус адабиётларда оғир қўшма жароҳат олган bemорларда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакда яра касаллиги пайдо бўлиши ва бундай ҳолатлар 78% ҳолларда касалликни атипик яширип кечиши мумкинлиги кўрсатилган. Тиббий муасасаларда айнан шу ҳолатга эътибор берилмаган.

2. Бемор К.А., 35 ёш, 3-ноябр куни йўл-улов ходисаси натижасида жароҳат олиб туман тиббиёт бирлашмасига олиб келинган, қабул бўлимида навбатчи травматолог, хирург томонидан кўрилиб, "оғир бош мия жароҳати, бош мия лати, интрақраниал гематомага гумон, бурун суюгини ёпиқ синиши? Чап пешона соҳасида урилиб йиртилган жароҳат, чап товон соҳасида кесилган жароҳат, иккала болдир ва тизза соҳаларида шилинган жароҳатлар, травматик шок 1-даражада" ташхиси қўйилиб, реанимация бўлимига ётқизилган. Бўлимда жароҳат соҳаларига ишлов берилиб, барча зарурый текширувлар ўтказилган. Санитар авиация хизмати орқали нейрохирург кўригидан ўтказилган ва "ёпиқ краниоцеребрал травма, бош миянинг ўрта даражали лат ейиши пешона суюги ўнгдан ёрилиб синиши, пешона соҳаси йиртилган жароҳати, оёқда кўплаб йиртилган, шилинган жароҳатлар, травматик шок" ташхиси қўйилиб, тегиши тавсиялар берилган. 05.11.куни қайта ултратовуш текширувидан ўтказилганида талоқ юқори қисмидаги 70-75мл суюқлик аниқланган. 8-ноябр куни "калланинг чап пешона соҳасида фреза тешиги ўрнатилиб, бош миянинг чап чакка-пешона, пешона кутублари асосидаги субдуран пневмоцефалияни миниинвазив усуслда бўшатиши, дренажлаш" амалиёти ўтказилган. Кейинги кунларда ҳам bemornинг аҳволи оғирлигича қолган ва 10.11. куни соат 12:00да bemорда биологик ўлим қайд этилган. Марҳум А.К. мурдаси суд тиббий экспертиза текширувдан ўтказилганди, ўлимига бош мия шиши билан кечган мия юмшоқ пардаси остига қон қўйилиши суюқларининг синиши ва қорин бўшлиғига қон кетиши билан кечган жигарни ёрилишидан келиб чиққанлиги аниқланган. Туман тиббиёт бирлашмасида bemор А.К. қўйилган ташхис нотўлиқ бўлиб, унда "Калла асос суюгини очиқ синиши, чап ёноқ, чап оёқ 2,3-кафт суюқларини ёпиқ синиши, жигарнинг ёрилиши ва ички қон қўйилиши" аниқланмасдан қолган. Жигарнинг икки лаҳзали ёрилиши унинг ўлимини тезлаштирувчи ва чуқурлаштирувчи омил бўлиб ҳисобланган.

Хулоса

Қўшма жароҳатланишлар таркибида қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ жароҳатланиши 36,5% гачани

ташкыл этади. Мазкур жароҳатланишларнинг госпитал олди ва госпитал давридаги тиббий ёрдам нуқсонлари асосан диагностик нуқсонлар, яъни мавжуд жароҳатлар ёки уларнинг хавфли асоратларининг умуман аниқланмай қолиши ёки ўз вақтида аниқланмаслиги бўлиб, нуқсонлар сабаблари субъектив факторлар - тиббий ходимларни касбий фаолияти ва айрим ҳолатларда жабрланган шахслар (беморлар) ножўя ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ сабаблар ҳисобланади. Йўл кўйилган нуқсонлар ҳар доим bemорлар ўлимида ёки улар соғлигига етказилган зарарда билосита сабаб, бевосита сабаб эса- мавжуд жароҳатлар ва уларнинг асоратлари бўлган. Келтирилган маълумотлар қорин бўшлиғи ҚЖ ларда тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатни яхшилашда инобатга олиниши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абакумов М.М., Лебедев Н.В., Малярчук В.И. // Повреждения живота при сочетанной травме. /М.: Медицина, 2005. - 176 с.
2. Базаев А.В. и соавт. Массивные кровотечения при повреждениях печени у пострадавших с сочетанной травмой. //Хирургия. Медиа. №2 (16) апрель 2015, с.11-14.
3. Борисов А.Е. соавт. Диагностика хирургическое лечение изолированных и сочетанных травматических повреждений печени. // "Вестник хирургии". 2007, №4, с.35-39.
4. Гиясов З.А. Судебно-медицинские аспекты ненадлежащего оказания медицинской помощи. /Монография. Ташкент, 2019, 167 с.
5. Дюсупов А.А., Букатов А.К., Базарбеков Е.Н., Серикбаев А.С., Манарбеков Е.М., Дюсупова Б.Б. Малоинвазивные остеосинтезы повреждений опорно-двигательного аппарата при политравме. //Новые медицинские технологии. №2 июнь, Казахстан. 2018, № 2. С.27-34.
6. Ермолаева Н.К. и соавт. Структура летальности и анализа ошибок при сочетанной закрытой травме живота. //Кубанский научный медицинский вестник №7 (142), 2013, 177-181.
7. Левченко Т. В., Кравцов С. А., Корнев А.Н., Шаталин А.В., Дзубан Г.Г. Анализ госпитальной летальности и качества клинической диагностики у пострадавших с политравмой // Политравма. 2014. № 3. С. 24-32.
8. Максимов А.В. Судебно-медицинская оценка дефектов оказания медицинской помощи пострадавшим с сочетанной травмой. /автореф. дис.канд. мед наук. Москва - 2013, 124 с.
9. Новоселов В.П., Канунникова Л.В. Комплексная оценка ненадлежащего оказания медицинской помощи //Проблемы экспертизы в медицине. - Ижевск, 2005, №4, с.4-6.
10. Пиголкин Ю.И., Дубровин И.А., Мирзоев Х.М. Методические основы экспертной оценки неблагоприятных исходов лечения //Судебно-медицинская экспертиза. Москва, 2011, №2, с.27-29
11. Пиголкин Ю.И., Попов В.Л., Дубровин. Судебная медицина. /М.Медицина, 2011.
12. Соколов В.А. Множественные и сочетанные травмы / В.А. Соколов. - /М.: ГЭОТАР-Медиа, 2006. - 512 с.
13. Томилин В.В., Соседко Ю.И. Обоснование основных понятий дефектов оказания медицинской помощи //Судебно-медицинская экспертиза. М., 2000 № 6, с.4-7.
14. Тулупов А.Н. Тяжелая сочетанная травма. /СПб.: Русский ювелир, 2015. 316 с.
15. Урман М.Г., Субботин А.В. Хирургическая тактика при травме печени и развившихся внутрибрюшной осложнениях. //Вестник хирургии. 2009. №3. С.72-75.
16. Хубутия М.Ш., Ярцев П.А., Ермолов А.С., Гуляев А.А., Самсонов В.Т., Левитский В.Д. Реальная практика неотложной медицинской помощи. //Неотложная лапароскопическая хирургия. 2011
17. Черкасов М.Ф. и соавт. Повреждения живота при множественной и сочетанной травме. Ростов-на-Дону- Новочеркаск: УПЦ "Набла" 2005. - 304 с.
18. Trunkey, D.D. What price commitment / D.D. Trunkey, C.D. Mabry // Bull. Am. Coll. Surg. - 2003. - Vol. 88. - P. 8-27.
19. Pucher P. H., Aggarwal R., Twaij A., Batrick N., Yenkins M., Darzi A. Identifying and addressing preventable process errors in trauma care //World J. Surg. 2013. Vol. 4. P. 752-758.
20. Outcome after severe multiple trauma: a retrospective analysis / C. von R?den, A. Woltmann, M. R?se et al. //J. Trauma Manag. Outcomes. - 2013. - № 7. - P. 4.
21. Mortality Patterns in Patients with Multiple Trauma: A Systematic Review of Autopsy Studies / R. Pfeifer, M. Teuben, H. Andruszkow et al. //PLoS One. - 2016. - № 11(2).
22. Risk factors for mortality of severe trauma based on 3 years' data at a single Korean institution/ J. Sim, J. Lee, J.C. Lee et.al. //Ann. Surg. Treat. Res. - 2015.

Келиб тушган вақти: 16.06.2020